

73-боб. Етимни қарамоғига олган одамнинг фазли



16:40 / 10.01.2020 2860

Араб тилида отаси вафот этган, онаси билан қолган, вояга етмаган болага «етим» дейилади. Улфайиб, балоғатга етгач, етимликдан чиқади.

Етим одатда ожиз, заиф шахс бўлади. Етимни хорловчи, унга зулм қилувчи, ҳаққини поймол қилувчи шахсни диндор деб бўлмайди.

Етимларга ёрдам бериш ниҳоятда савобли иш. Етимларга таом, кийим-кечак, таълим ва тарбия бериш ўзига тўқларнинг зиммасидаги бурчдир. Шундай қилинса, етим жамият учун фойдали шахс бўлиб етишади.

Агар унга бепарво қаралса, камситилса, разолат ва жиноят кўчасига кириб, ўзи яшаётган жамиятга фақат зарар келтирувчи шахсга айланади.

Шу ва бошқа бир қанча ҳикматлар асосида Ислонда етимга яхшилик қилиш қаттиқ тарғиб қилинган. Етимга яхшилик қилувчиларга катта ваъдалар эълон қилинган.

«Одоблар хазинаси» китобидан